

ШАҲНОЗА НОРҚУЛОВА

# СУРҲОНДАН ЭСАР САБО

*шеърлар, масаллар*

Тошкент  
«Янги аср авлоди»  
2004

84(59)6-3


Кўёш ватони бўлганлигиданми, офтоб илк саломини Сурхон диёрига беради. Ҳароратини меҳр билан сочганидан, баҳор ҳам биринчи марта кулиб боқади. Бодомлар гуллаб, кўкламни бошлаб келади. Бу муқаддас ўлка улуғ аجدодларимиз маскани, бахтилар ватани, полвонлар диёри, Алпомиш ва Барчинойларнинг сўлим зўшаси. Ўзбек шеърояти ва наср бешигини айни пайтда дадил тебратаяётганлар ҳам ана шу қутлуғ зўшада туғилиб, камол топган фозил инсонлардир. Сурхондарёлик қаламкаш қизимиз Шаҳноза Норқулова ҳам ана шу муҳитдан баҳраманд бўлиб, қалам тебратмоқда, ижодда ўз йўлини топиш учун изланмоқда. Бунга унинг «Сурхондан эсар сабо» тўплами фикримизнинг тасдиғи, деса бўлади.

Масъул муҳаррир: Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ,  
Ўзбекистон Халқ шоири

Ю 30892  
291

ISBN 5-633-01656-4

© Шаҳноза Норқулова. «Сурхондан эсар сабо»  
«Дини асарлари», 2014 йил.



A decorative rectangular border with ornate floral and scrollwork designs at each corner, framing the central text.

*Шерлар*

## ОНА ТИЛИМ

Она тилим — сен мўъжизам,  
Сен сеҳрли тилсимим.  
Ўтмишимдан огоҳ ўзинг,  
Сен бутуним, сен илмим.

Қонғарийнинг асарларин  
Бизга келдинг етказиб.  
Сўйлаганин ёзиб бердинг,  
Қўлдан-қўлга тутқазиб.

Темур бобом тузукларин  
Юрагимга жо қилдим.  
Навоийнинг ашъорларин  
Кўнглим қомуси билдим.

Она тилим, Абдулланинг  
Колумбдаги алами.  
Кашф қилганди харитани  
Берунийнинг қалами!

Сен — меросим, сен — бойтигим,  
Менинг жисму жонимсан.  
Сен — офтобим ва борлигим,  
Томиримда қонимсан.

Она тилим, сен зиёсан,  
Тарихдаги юзимсан.  
Ҳеч бир замон хира торгмас,  
Ярқираган кўзгумсан.

Она тилим, миллий руҳни  
Авайлайсан, буюксан.  
Шунинг учун жоним тилим,  
Миллион йиллаб суюксан.

Сени севган фарзандларинг  
Қуйлайди, билгин, ҳар дам.  
Ўшаларнинг орасида  
Бордир қизинг Шаҳноз ҳам.

## ЧЎЛПОНОЙ ОПАГА

Кутлуғ ёшга кирибсиз бутун,  
70 ёш муборак Чўлпоной опа!  
Шогирдларга доим меҳрибон бўлиб,  
Иззат-икром ила бўлгансиз она.

Шаҳримиз устида Чўлпон юлдузсиз,  
Сўзингизда сеҳр, кўплаб ҳикмат бор,  
Мурғак қалбдан жой олган азиз устозсиз,  
Шогирдлар таъзимда сиздан миннатдор.

Умрингиз ўтмади сира беҳуда,  
Энг бахтли устозсиз ҳамда онасиз.  
Маориф ишига зиё таратиб,  
Ҳеч тиним билмайсиз, фақат ёнасиз.

Кутлуғ ёшга кирибсиз бутун,  
70 ёш муборак Чўлпоной опа!  
Шогирдларга доим меҳрибон бўлиб,  
Иззат-икром ила бўлгансиз она.

## ЎЗБЕК ҚИЗЛАРИГА

Ўзбегимнинг қизлари,  
Ширин-шакар сўзлари.  
Ҳаёдан лов-лов ёнар,  
Гапирганда юзлари.

Тик боқмайди кўзлари  
Ўйлаб гапирар сўзин.  
Барча ҳурмат қилади  
Меҳмондўст ўзбек қизин.

Богдаги атиргуллар,  
Таъзим қилади сизга.  
Ростин айтсам баъзида  
Алам қилади бизга.

Сира берманг эътибор,  
Алам қилса ҳам, майли.  
Доимо яшнанг гулдек,  
Бўлсин ҳаёт — гул сайли.

## ОНА ДУОСИ

Бугун ўғлим, аскарликка оласан йўл,  
Пешонангдан ўпиб қўйгум, тилаб оқ йўл,  
Кўз тегмасин, ёмон кўздан асра, Оллоҳ,  
Юрагимнинг бир парчаси, омон қайтгин.

Бўйнингдаги осиб олган тумор бўлай,  
Йўлларингга мен соғиниб хумор бўлай,  
Сенга умр, Оллоҳимдан тинчлик сўрай,  
Юрагимнинг бир парчаси, омон қайтгин.

Ботир бўлсанг, парчаланар улкан тоғ ҳам,  
Кўрқоқ бўлсанг, дарё бўлур кичик шох ҳам.  
Ватанингни, Юртбошингни асра, ўғлим,  
Юрагимнинг бир парчаси, омон қайтгин.

Мангуберди, Жалолиддин, Фуломжонлар  
Ватанини афзал билиб, берди жонлар.  
Сен ажодлар руҳларин ҳам шод айлагин,  
Юрагимнинг бир парчаси, омон қайтгин.

Сен, жон болам, Алпомишнинг ватандоши,  
Йўлларингни ёритади эрк қуёши,  
Бир умрга қасамёдга содиқ бўлгин,  
Юрагимнинг бир парчаси, омон қайтгин.

Келин олиб, қувонайин бўйларингдан,  
Фаришталар аримасин уйларингдан.  
Фарзандларинг бешигини тебратайин,  
Юрагимнинг бир парчаси, омон қайтгин.

Қўлни очиб, эзгулик деб қилинг дуо,  
Хур юртимга ҳавас билан боқар дунё,  
Балолардан йироқ бўлсин она тупроқ,  
Юрагимнинг бир парчаси, омон қайтгин.

## ЙИГИТЛИК ХИСЛАТЛАРИ

Юртини севсин жондан,  
Кечмасин ҳеч иймондан.  
Нафсига эрк бермасин,  
Ёлғон гаплар демасин.  
Доим бўлсин эгнида  
Камтарин кенг либоси.  
Элнинг еса ғамини,  
Олиб юрар дуосин.  
Аямасин дўстидан  
Панду насиҳатларин.  
Оллоҳ ҳам назар ташлаб,  
Оширади ғайратин.  
Билимдонлар қошида  
Ярашар камтар бўлса.  
Йўлида пайдо бўлмас  
Шайтон билан ғам-ғусса.  
Мақтанмаса ҳеч кимга,  
Рост сўзларни сўзласа.  
Нияти холис бўлиб,  
Яхшиликни кўзласа.

## МУҲАББАТ ҚАСРИ

Муҳаббат қасрини қуради инсон,  
Қалбининг тўрига, нозик торида.  
Йиқитмасин уни ўткинчи тўзон,  
Мустаҳкам яшасин юрак қаърида.



## **БҮЙСУНМАГАН ЮРАК**

Эшитмайман сенинг сўзларинг,  
Юзингга боқмас кўзларим.  
Тилим асло айтмас номингни,  
Ҳеч сўрамас энди ҳолингни.

Оёқларим у кўчалардан  
Энди асло ўтмайман, деди.  
Қўлга олиб суратларини ни  
Интизор ҳеч кутмайман энди.

О, қанчалар яхши, деб кулсам,  
Бўйсунмади юрагим менга:  
— Ахир, сенинг айтганинг қилсам,  
Жондан ортиқ севдим мен нега!

## **СИЗ БИЛМАЙСИЗ...**

Қувноқ юрган у қизни  
Юрак-бағри деманг тош.  
Баъзи бир сўзингиздан  
Кўзларига тўлар ёш.

Сизга кулиб боққанда  
Титрамайди сўзлари.  
Йиғлайди, сиз билмайсиз,  
Юрагининг кўзлари.

## АЙЛАНАМАН САРОВГА

Баъзан шубҳа-гумонлар,  
Хаёлим олиб кетар.  
Минг изтироб ичида  
Дилимда бир сўз битар.

Сароб бўлиб йўқолса,  
Сенинг айтган сўзларинг.  
Наҳот мени алдаса,  
Севиб боққан кўзларинг.

Яшаб турган кошонам  
Айланади харобга.  
Ўзим ҳам ўша кундан  
Айланаман саробга.

## ТИЛАК

4:

Фақат сурунг ширин хаёллар,  
Дегим келар сизга аёллар.  
Ғам-аламни кўрмангиз ҳеч ҳам,  
Ва яшаманг бировлардан кам.

Кам деганим бу бойлик эмас,  
Ёмонликни яхши деб бўлмас.  
Зиёдалик— бу улкан бахтдир,  
Ҳаётдаги мустаҳкам аҳддир.

## САРОБ

Атрофимни қоплаган туман,  
Кўзим кўрмас сал узоқни ҳам.  
Юрак қурғур урар бетиним,  
Тезроқ юр, деб айтар дам-бадам.

Термулгандим узоқ-узоққа,  
Милт-милт этган нарса кўринди.  
Азоб ила борсам яқинроқ,  
Сароб экан, сал-пал билинди.

Сароб мени олға юргизди,  
Бўлмаса ҳам аслида ўзи.  
Тойингандим мен катта йўлда  
Ўша сароб мени турғизди.

\*\*\*

Севгисиз шунчаки юрганлар қанча,  
Эрмак деб билишар ушбу туйғуни.  
Ёрининг йўлига бугун бўлса зор,  
Эртага бошқасин қутар интизор.

Интизор кутишлар тегади жонга,  
Кўзига бошқаси кўринар гўзал.  
Ҳаммага сеvgисин изҳор қилгандан  
Умрбод ҳеч кимни севмаган афзал.

## ШОШМАГИН, ҚУЁШ

Секин-аста қуёш ботмоқда,  
Кузатаман оғир ўй билан.  
Истамасдим унинг ботишин,  
Яна бир кун умрим ўтишин.

Ер юзида минг-минглаб кўзлар  
Термулгандир мен каби сенга.  
Умр шундай тез ўтмоқдаки,  
Улгурмаймиз, шошмаймиз нега?!

Бир зайлда қуёш ботмоқда,  
Эртасига тонг ҳам отмоқда.  
«Оқсоч тарих» боқади ўйчан,  
Шу тариқа умр ўтмоқда.

Кўргин, менинг ўт кўзларимни,  
Шошма, Қуёш, шошмагин бироз.  
Билгин, менинг дил сўзларимни,  
Дардим олгин, майлига, оз-моз.

## ХАЁЛДА

(Ҳазил)

Арзимаган гапим бор,  
Кўнгли нозик ёримга.  
Айтишим ҳам мумкин-у,  
Агар келса ёнимга.

Ҳар кунги жойимизда  
Ўтиргин мени кутиб.  
Кўк чой, албатта, бўлсин,  
Қўлингда гуллар тутиб.

Атиргулнинг ҳидини  
Билсанг, яхши кўраман.  
Сўзларим маъқул бўлса,  
Кечикмасдан бораман.

Бу гапларим хаёлда,  
Аламларим ютаман.  
Кўнгли нозик ёримни  
Ўзим шундай кутаман.

\* \* \*

Умр йўли деб атаймиз,  
Йўллар бўлар турфа хилли.  
Баъзи йўллар тиканзор-у,  
Баъзилари нозик гулли.

Инсоннинг ўз қўлидадир,  
Иккисидан бирин танлаш.  
Дилларини шод айлаш-у,  
Ва аксинча кўзин ёшлаш.

## СЕВГИ

Табиат ҳам қолади ожиз  
Муҳаббатнинг сирли кучига.  
Бўлса ҳамки минг бир жумбоғи,  
Меҳрин бойлар сочин учига.

У истаса агар осмондан  
Ойни олиб бериши мумкин.  
Гар истаса денгиз тубидан  
Марваридлар териши мумкин.

Чин юракдан истаса агар,  
Гул ўстирар тошнинг устига.  
Яшамоқчи бўлса мабодо  
Қаср қурар ернинг остига.

Шундай кучга қодир туйғуни  
Қалб тўрида асрамоқ керак.  
Бахт нурига шўнғийин десанг,  
Ошно бўлиб яшамоқ керак.

## МУҲАББАТ ҲАҚИДА ҚИССА

Маҳаллада бир йигит  
Мудом захрин сочаркан.  
Уни кўрган болалар  
Тум-тарақай қочаркан.

Қилар экан ҳар маҳал,  
Ўғирликни дам-бадам.  
Оғзидан чиққан сўзга  
Пўст ташларкан илон ҳам.

Товламачи бу йигит  
Ўзгарди бир паслда.  
Сатрларим ўқигач,  
Деманг яна ҳазилда.

У қотиллик пайтида  
Бир гўзални учратди.  
Ҳуши учганди бошдан  
Ёмон фикрдан қайтди.

Уйига келди зўрға  
Юролмай, ҳолсизланиб.  
Кўзгуга қараганди  
Ранглари жонсизланиб.

Бошин кўйди болишга,  
Бироз дам олай деди.  
Тушига кирар гўзал  
Нима қилади энди.

Даста-даста пуллар ҳам  
Йигитни қувонтирмас.  
Ўйларди ўша қизни  
Қулоғига гап кирмас.

Бу ораста йигитни  
Кўча-кўйда кўрганлар,  
Танимай қолишганди  
Уни қаллоб, деганлар.

Салом берар эгилиб,  
Кўзлари маъюс боқар.  
Сўзлашган ҳар кишига  
Йигитча жуда ёқар.

Барча ёмон одатга  
Чек кўйибди у, албат.  
Ёвуз ишлардан уни  
Қутқарибди муҳаббат.

## ҲИС-ТУЙҒУСИЗ ОДАМ

На тўй-у маърака, ҳатто байрам ҳам  
Қизиқтира олмас ҳиссиз одамни.  
Шу гўзал оламдан нафас олса-ю,  
Кўра олмаса у сирли оламни.

Кўзлар ўткир, аммо кўра олмаса,  
Тил бийрон, кўнгилни ола билмаса.  
Танда жони соғ-омон бўлса-ю,  
Шу гўзал оламни ҳис қилолмаса.

Бу қандай одам деб, бўламиз ҳайрон,  
Таърифга сўзлар кўп, ёлғонлар учар.  
Ҳаётдан кўз юмса бундайин инсон,  
Номи унутилар, диллардан ўчар.



## БАРЧАСИГА ГУВОҲ ӮЗИНГ

Барчасига гувоҳ ўзинг,  
Ҳамда кузатувчисан.  
Баъзан тундек қоронғу,  
Баъзан эса ёғдусан.


Баъзи пайтда жуда ширин,  
Баъзи пайтда оғусан.  
Баъзи пайтда бир махлуқсан,  
Баъзан эса оҳусан.

Ҳаёт, сента таъриф берсам,  
Ҳайрон бўлма сўзимга.  
Турли-туман қиёфада  
Кўринасан кўзимга.

\* \* \*

Ишқ кудратли денгиздир,  
Вафодорни тан олур.  
Бевафо номардларни  
Ўз бағрига гарқ қилур.

Севгиси соф инсонлар  
Шу денгизда сузарлар.  
Ишқи йўқ кимсалар-чи  
Шамол каби тўзарлар.



## ЯШАБ НЕ ҚИЛАСАН

Эрталаб турсанг-у, ухласанг тунда,  
Кундузи юрсанг-у қорин ғамида,  
Эрта-ю кеч фақат ўзинг ўйласанг,  
Яшаб не қиласан?

Бировга айтмасанг ширин сўзингни,  
Оқламасанг агарда еган тузингни,  
Кўрсата олмасанг сен ўзлинггни,  
Яшаб не қиласан?

Ўйламасанг отангни ҳам онангни,  
Эҳтиёт қилмасанг ширин болангни,  
Кўзинг ўткир бўлса-ю, сен пайқамасанг,  
Яшаб не қиласан?

## «ТАҚДИР ВА МЕН» ШЕЪРИНИ ЎҚИБ

«Тақдир ва мен» шеърини ўқиб,  
Таскин топди бу ғариб кўнглим.  
Аста-секин тушуниб етдим  
Ишонч билан ёруғдир йўлим.  
Ишонч бўлса фақат ҳамроҳим  
Йўқ қиларкан дилдаги оҳим.

Яхшиямки шундай шеърлар бор,  
Эй шеър, даво бўлдинг қалбимга.  
Яна ёндим яшаш ишқида  
Даво бўлдинг менинг дардимга.  
Ишонч бўлса фақат ҳамроҳим,  
Йўқ бўларкан дилдаги оҳим.

## БИР КАМ ДУНЁ

Ўксик қалбга бераман далда,  
Дейман: бир кам дунё эканда,  
Биз биламиз, дунё жуда кенг,  
Лекин бир кам дунё эканда.

Кенг дунёда бир кичик уммон,  
Балки, кўзга кўринмас инсон.  
Баъзан кичик жуссали қалб ҳам  
Истаб қолар кенгликни, инон.

## САБАБЧИ ЎЗИНГ

Қалбимга ҳеч ботмайди оғир,  
Аччиқ сўзинг туюлар ширин.  
Тўсиқларни енгиб ўтаман,  
Муаммолар бўлса-да қийин.

Андухларни юлиб ташлайман,  
Ботқоқликдан ўтаман учиб.  
Масофалар бўлади яқин,  
Юлдузларни оламан кучиб.

Барчасига сабабчи ўзинг,  
Армонларга асло қолмайман.  
Агар берган ваъдангдан тонсанг,  
Бирор қадам ташлаёлмайман.

## ВАФО ФАЙЗУЛЛАГА

«Мангу лаҳза» китобини ўқиб...

Хаёлимни олиб қочар доимо боқсам,  
Бу қандай синоат, бу қандай лаҳза.  
Йиқилган оққушга қиё боқинг-а,  
Ўйга чўмдиради сизни ҳам анча.

Юқорида турар Оққуш тухуми  
Бор кучини йиғиб, керак турмоғи.  
Йиғиб олиб жонсиз оёқларини,  
Керак ўша тухум томон юрмоғи.

Болалари учун ҳам яшаш керак,  
Кутар парвозини бу замин, фалак.  
Баъзи бир аёллар боқсин суратта,  
Бу «мангу лаҳза»дан олажак ўрнак!

\* \* \*

Эй ғам, босма юрагимни,  
Сен ўткинчи, кучлимас.  
Юрагимни кемирувчи  
Билгинки, у сен эмас.

Иродамдир менга қалқон,  
Мағрур тутар бошимни.  
Бир томчи ҳам оқизмайди  
Кўзларимдан ёшимни.

Сабр менинг хамроҳимдир,  
Ҳаё менинг сирдошим.  
Кўчангда ҳеч қоқилмайман,  
Улар менинг йўлдошим.

\* \* \*

Оламда ягона, десам хатоми,  
Сизнинг рубоию дostonларингиз.  
Юракларда олов ўтин қалаган,  
Фарҳоду Ширин, Мажнунларингиз.

Сиз-ку доим менга Лайли йўлини,  
Кўрсатиб турдингиз ёнимда бўлиб.  
Қани энди ишқда ўхшасам унга,  
Қалбимда сўзингиз лиммо-лим тўлиб.

\* \* \*

Юракдаги кўп сўзлар  
Дилгинамга кўмилган.  
Оқ қоғозга ўралиб,  
Зилол сувга чўмилган.

Улар билан яшасам,  
Сиз мендан кулмайсизми?  
Унга севгим битилган  
Сиз буни билмайсизми?

\* \* \*

Керак бўлса осмондан  
Ойни олишим мумкин.  
Қон бўлса ҳам юрагим  
Кулиб туришим мумкин.

Фақат менга қаламим  
Ёрдам бериши керак.  
Ёзганларим ўқиғач,  
Кўнглим тўлиши керак.

\* \* \*

Кўзларим бир нуқтага  
Термулиб қолган пайтда.  
Ўйлаб қоламан шунда,  
Ўтган умрим, албатта.

Қуёш бўлиб оламга  
Нурлар сочгим келар.  
Ўт-ўланлар устига  
Ёмғирдек ёғгим келар.

Кимгадир тегса нафим,  
Оғирин қилсам енгил.  
Оғринмаса ҳеч бир дил,  
Бироз тўлади кўнгил.

\* \* \*

— Юрагимнинг меҳмони  
Этиб сайладим сени.  
Айтақол, тилагингни  
Бажо келтирай нени?

— Керак эмас ҳеч нарсанг,  
Меҳрибоним бўла қол.  
Юрагингнинг тўрида  
Доим мени олиб қол.

\* \* \*

Қиё боққан маҳлиё кўзинг,  
Эртасига бошқага боқса.  
Пойдеворсиз, вафосиз севгинг,  
Юрагига ўт-олов ёқса.

Кўп ўзингга қўймагин бино,  
Муҳаббатни қилма ўйинчоқ.  
Ҳеч бир нарса жавобсиз қолмас,  
Ёшлар оқар кўзингдан мунчоқ.

\* \* \*

Ўтган умримизни қилсак сарҳисоб,  
Ажабмас ёзсак қизиқ бир китоб.  
Баъзисин келади ҳаммага айтгинг,  
Баъзисин тезгина келар унутгинг.  
Баъзисин эсласанг мийиқда кула,  
Баъзисин эслайсан юрагинг куя.  
Баъзи саҳифада кўзлар қаманар,  
Баъзи сатрларда кўзлар ёшланар.  
Баъзисин ўқийсан қувончга тўлиб,  
Юрагинг ғашланар баъзисин ўқиб.  
Ўтган умримизни қилсак сарҳисоб,  
Ажабмас ёзсак қизиқ бир китоб.

\* \* \*

Аёл кишининг тожи —  
Шарму ҳаё, сўзидир.  
Барчани ҳурматласа,  
Иззатда ўзидир.

Билагузуги бўлсин  
Фақат унинг меҳнати.  
Саришта иши билан  
Ошар унинг ҳурмати.

\* \* \*

Ўнг елкада раҳмонни,  
Чап елкада шайтонни,  
Кўтариб юрар инсон,  
Гуноҳ билан иймонни.

Иккисидан фақат бири,  
Тарк айлайди инсонни.  
Шайтонга ҳеч йўлдош бўлманг,  
Туғиб қолинг иймонни.

\* \* \*

Атлас билан бахмалдан  
Битта кўйлак тикишса.  
Кулгили кўринарди,  
Чиройли деб кийишса.

Баъзи бир одамлар бор  
Ўхшайди шу кўйлакка.  
Иши товламачилик,  
Яқин эмас юракка.



## ТОМЧИ

Томчи турар жуда баланд,  
Булутларнинг устида.  
Икки кўзи юлдузларда,  
Ўтирарди курсида.

У ўзини яқин билар  
Куёшга ҳамда Ойга.  
Киё боқмас эди ҳатто  
Онаси бўлган сойга.

Дуч келибди Томчи бир кун  
Чақмоқбойнинг қаҳрига.  
У бир пасда сингиб кетди  
Она ернинг бағрига.

## ТУМОРИМ

*(Халқона)*

Кўзлардан пана эдим,  
Кўз туморим бор эди.  
Шундай тумор бўлса деб,  
Кўплар унга зор эди.

Йўқотдим туморимни  
Ёмонлашди аҳволим.  
Ўша туморсиз энди,  
Кечачи қандай ҳолим.

Меҳр деган туйғуни  
Юрагига солганлар,  
Туморим кўзга яқин,  
Беринг топиб олганлар.

## ТЕЗРОҚ АЙТ

Оддийгина бир деҳқон  
Маншур турк шоирини  
Мазах қилмоқчи бўлгги,  
Тўкай деб обрўйини:

— Адашмасам, сиз аввал  
Мол дўхтири бўлгансиз.  
Кўшпаб касал молларни  
Роса даволагансиз.

— Тўғри айтдинг, йигитча,  
Касбим ҳам бор шунақа.  
Тезроқ айт даволайман,  
Касалинг бор қанақа?

## ЗАРПЕЧАК

Зарпечак чирмашарди  
Атиргулнинг бўйнига.  
Танасига чирмашиб  
Ухлар эди кўйнида.

Азоб ерди Атиргул,  
Ҳатто очилмай қолди.  
Зарпечакнинг дастидан  
Ширин ҳиди йўқолди.

Сўлар эди Атиргул.  
Кундан-кун ҳолсизланиб.  
Зарпечак азобидан  
Қолтанди жонсизланиб.

Текинхўр ўсимликнинг  
Томири ҳам йўқ эди.  
Шу боисдан ҳеч кимга  
Унинг меҳри йўқ эди.

## ТУШАЙИНМИ ТУЗОҚҚА

– Кўлингда олма, ўрик?  
Намунча ҳовлиқасан?  
Кимлар қувди кетингдан,  
Нега бунча чопасан?

Овозинг борми ўзи,  
Пичирлаб гапирмагин.  
Терга ботиб кетибсан,  
Ахир бунча чопмагин.

– Чопаман-да гапирмай,  
Тушайинми тузоққа?  
Орқамдан қувган киши  
Қоровул бўлар боққа.

## **ЗАМИНГА ЖАВОБ**

– Бу боғ бунчаям гузал,  
Мевалари олгиндай.  
Кўрган кўз қамашади,  
Етилдинг, ахир қандай?

Товланишиб мевалар  
Заминга жавоб берди:  
– Пишиб етилган бўлсак,  
Сенинг ҳиссанг бор, – деди.

## **БУВИМГА**

Кимларгадир оддий туюлар,  
Сизни жондан севиб ёзганим.  
Бувижоним тугамас асло  
Сиздан олган дуру гавҳарим.

Адо бўлмас сира ҳам улар  
Қанча битсам сагрларимда.  
Вужудимга беради безак,  
Оқиб турар томирларимда.

## БАҒИШЛОВ

*(Қизириқ кўчаларидан бирига Ойтош  
Ғиёсова номи берилиши муносабати билан)*

Киндик қоним томган юрт —  
Сен ўзинг Қизириғим.  
Тупроқ кўчаларингда  
Қолган менинг ёшлигим.

Ўсган тиканларингни  
Гулларга алишмайман.  
Юракдаги сўзимни  
Мен сенга бағишлайман.

Оқ-қорани танидим,  
Шу ер менинг маконим.  
Кўчасида кўтариб  
Юрарди бувижоним.

Бизга меҳр-ла боқиб,  
Ҳамма ҳавас қиларди.  
Қўлларимдан тутганча,  
Бувижоним куларди.

Кечани кеча демай,  
Кундузни кундуз демай,  
Гулласин дерди юртим,  
Ўзларини ўйламай.

Каттами ё кичикми,  
Юракка йўл топарди.  
Ташвиши бор-йўқлигин  
Бувижоним биларди.

Сизнинг барча ишингиз  
Оламда қолди мангу.  
Юлдуз мисол порлоқсиз,  
Сочаверасиз ёғду.

Сизнинг эзгу ишингиз  
Ҳар юракдан жой олган.  
Бу кўчада бувижон,  
Ўчмас изингиз қолган.

## АММАМГА

Кучоқласам аммамни,  
Гар куксига қўйсам бош.  
Ҳапқиради юрагим,  
Кўзларимга келар ёш.

Юрагимни титратган  
Аммажоним ўзингиз.  
Бувижоним эслатган  
Ширин-шакар сўзингиз.

Оллоҳимга минг шукур  
Бувижоним қизисиз.  
Номин ҳечам ўчирмай  
Юрадиган изи Сиз.

Аммажоним доимо  
Кулиб юринг, ёш бўлинг.  
Укамлар уйланганда  
Отам каби бош бўлинг.

## ОЧКЎЗЛИК

Дон тўкилган йўлакда  
Уч-тўрт чумчуқ талашди.  
Чўқилашиб бир-бирин,  
Ола-кула қарашди.

Уларнинг жанжалидан  
Мушуквой фойда қилди.  
Дарҳол ташлаб ўзини  
Битта чумчуқни илди.

Бир чумчуқдан айрилиш  
Қушларга алам қилди.  
Очкўзлик оқибатин  
Чумчуқлар шунда билди.

## АЛПОМИШ

Алп қоматли Алпомиш,  
Бола бўлганмисан ҳеч?  
Ойкулча сўрадингми,  
Оймомога боқиб кеч?

Унда бир сирни очгин,  
Егансан қандай таом?  
Сут ичдингми, қимизми,  
Айтавергин номма-ном.

Чунки бутун кўп бола  
Сендай бўлгиси келар.  
Ватан учун улғайиб,  
Кучга тўлгиси келар.

## СИНФДА...

— Нилуфарнинг бўйи паст  
Олдинроққа қўяйлик.  
Кимдан сўнг ким ўтирар,  
Шуни яхши билайлик. —

Сиддиқнинг жаҳли чиқди,  
Бу гап маъқул бўлмади.  
Нилуфарни олдинги  
Қаторга у қўймади.

— Бобом доим шундай дер:  
«Рўзғорда бошлиқ — отанг,  
Ундан кейин турасан  
Онанг, аканг ва опанг».



## ТОК ВА ТАЁҚ

Токни тўғри ўсиб кетсин деб,  
Тиргак қилди оддий таёқни.  
Боғбон бобо кўп меҳнат қилди,  
Яшнатай деб боғни, ҳар ёқни.

Нозик ниҳол ўсмас негадир,  
Боғбон бобо кўп ҳайрон қолди.  
Токдан эмас, агар билсангиз,  
Тиргак чўпдан ҳосиллар олди.

## СОПОЛ ИДИШ

— Бунча гўзал сопол идиш,  
Ким унга ишлов берди?  
Нақшлари бежирим  
Ахир, уни ким чизди?

Қайси кулол печкасида  
Тоблаб уни пиширди.  
Мақтаб уни кўз-кўз қилиб,  
Ким қийматин оширди.

— Ҳамма ишни бажарувчи  
Бу инсоннинг қулидир.  
Гўзалликни ҳис қилувчи  
Унинг нозик кўнглидир.

## ҚҰРҚАР ЭДИ...

Анча йиллар илгари  
Сигиримиз бор эди.  
Ёнига йўламасдан  
Сингилчам қўрқар эди.

Ўтиб қолса ёнидан  
Юмар эди кўзини.  
Чопиб ўтиб кетарди,  
Эшитмасдик сўзини.

Бу кулгили ҳодиса  
Сингилчамга ярашар.  
Ўша пайтда сингилчам,  
Қизча эди уч яшар.

Сингилгинам кўзини  
Беркизмаса бўлмайди,  
Сигир ҳам ўша маҳал  
Кўрмайди, деб ўйлайди.

## АНТОНИМНИНГ АЙТГАНЛАРИ

Юнонча сўзман анти,  
Тамим ёмон: зид-танги.  
Ҳам узун-у, қисқаман,  
Ҳам йўғон, ингичкаман.

Синглимнинг бўйи узун,  
Паст бўлишни хоҳлайди.  
Оқни қора дея олмас,  
Лекин сизни боқлайди.

Бошим дема осмонда,  
Ерга ҳам боқиб юргин.  
Ўзингни эр айласанг,  
Ўзгани ҳам шер билгин.

Пахтани кўргин: ошпоқ,  
Кўмир бўлар қоп-қора.  
Доимо юргин кувноқ,  
Кўнгил бўлмасин пора.

Эътиборли бўл доим,  
Кичикка ҳам каттага.  
Фақат ўзингни дема,  
Меҳрибон бўл барчага.

Эгилар-у, синмайди,  
Ҳақиқат бўлар тўғри,  
Чин эмас, ёлғон гапни  
Чиқарган билсанг ўғри.

Ёшлар келади ишга,  
Қари-чи, келар ошга.  
Ёшлиқда олган билим,  
Ўхшар ўйилган тошга.

Айтган фикрларимиз,  
Сўзлардан бўлди мунчоқ.  
Миллион йиллар ўтса ҳам,  
Она тилим, тур шундоқ.

\* \* \*

Хўроз деди қичқириб:  
— Тулқига ишонмайман!  
Туғилган кунин ҳар кун  
Нишюнлайди, бормайман!

## ТОПИШМОҚ

Ўзи жуда меҳнаткаш,  
Тинмай қилади хизмат.  
Қишдаги еган нони,  
Доим унинг беминнат.

(Чумоли)

## ОМОНИМЛАР ҲЙИНИ

### ҚҲЙ

Тўйга ҳайдадим бир қўй,  
Сўйиб егин, майли тўй.  
Қўй, емагин шу қўйни,  
Кел, қолдирайлик тўйни.

### ЎТ

Болтавой болта билан  
Жуда кўп ёрди ўтин.  
Ва яна ўроқ билан,  
Ҳовлининг ўрди ўтин.

Ёрган ўтинларидан,  
Тандирга ўт қўйди.  
Ўрган кўк ўтларидан,  
Кўзичоқлар еб тўйди.

\* \* \*

Тўрт кило олма билан  
Салимжон кириб келди.  
Ошхонага қўйди-ю,  
Ювмасдан олма, — деди.

Синглиси Ширин эса  
Майли ака, деб қўйди.  
Ширин олма экан деб,  
Бир килосин еб қўйди.

A decorative rectangular border with ornate floral and vine motifs at each corner, framing the central text.

*Шүртликлар*

Энг софдил, энг тоза ҳислардан йиғиб,  
Севги деб аталмиш туйғу яралган.  
Кўзларга ўт бериб, юракка олов,  
Ажойиб бир наво бўлиб таралган.

\* \* \*

Ватанни севмоқлик она сути-ла  
Қонимга киргандир, жо юрагимга.  
Ҳар сония сени деб кўпирар қоним,  
Сени дейман Ватан, бор экан жоним.

\* \* \*

Бойликлар ўткинчи, улар йўқолур,  
Мангу бермас Оллоҳ, баъзида олур.  
Лекин менинг сизга чексиз ҳурматим,  
Абадий яшайди ва мангу қолур.

\* \* \*

Ишқ аталмиш туйғуни  
Ҳар ким билавермайди.  
Юрагига жо қилиш  
Насиб қилавермайди.

\* \* \*

Қисқа бўлган «ишқ» сўзи,  
Кенг оламга жой бўлар.  
Нокаслар юрагига  
Ишқнинг ўрни бўш қолар.

\* \* \*

Қуёш нуридан ўгкир  
Севгим бор, деб мақганма.  
Ишқ гулидан сўрасам,  
Қўлларимни қайтарма.

\* \* \*

Ишқисиз ҳам яшаб бўлар  
Гўзалликни ҳис қилмай.  
Дунёнинг кенглиги-ю,  
Ёрнинг висолин билмай.

\* \* \*

Сен ҳам юлдуз мисоли,  
Васлингга етолмайман.  
Нима қилай ахир, айт,  
Кечиб ҳам кетолмайман.

\* \* \*

Ишқ чўққисин асрагин,  
Бўл ёнида парвона.  
Ишқинг йўқ бўлса агар,  
Сен чўққига бегона.

\* \* \*

Совуган ошни есанг,  
Унча маза қилмайсан.  
Ишқисиз кечирсанг ҳаёт,  
Гўзалликни билмайсан.

\* \* \*

Юраги ишқ ўти билан ёнмаган  
Йигитларни кўрганда қилманг ҳеч таҳқир.  
Не қилсин, улар ҳам айбдор эмас,  
Севгини бермаса табиат, ахир.

\* \* \*

Кавласанг қудуқни қанча кўп чуқур,  
Турли хил тошларга дучор бўласиз.  
Қанча кўп яшаса одамлар бирга,  
Шунча кўп хислатин билиб оласиз.

\* \* \*

Бахт келар турли рангда,  
Уни қийин билишинг.  
Жуда ҳам ўтқир кўзга  
Керак эга бўлишинг.

\* \* \*

Ишқ бўлмаса бу олам,  
Гўё қоронғу зиндон.  
Олам гўзал кўринмас,  
Юрак-бағринг бўлар қон.

\* \* \*

Жуда улкан кема бор,  
Ҳаёт деган денгизда.  
Тўғри, оқади тошиб  
Раҳм қилмас сиз-бизга.

\* \* \*

Ишқ — бу қуёшнинг нури,  
Борлиқни уйғотади.  
Қуёш тафти кетмасдан,  
Тонг ҳам бирдан отади.

\* \* \*

Юраги ишқ деб урса,  
У оламда ягона.  
Кўнгилда бўлмаса ишқ,  
Дунё унга бегона.

\* \* \*

Вужудингга кирса ишқ,  
Томирингда жўшар қон.  
Ишқ доимо келмайди  
Тўхтатиб қолгин инсон...



\* \* \*

Ишқ ҳаётнинг мазмуни,  
Ишқ балқитган тўлин ой.  
Гўзалликни ҳам қизлар  
Ойдан олган ҳойнаҳой.

\* \* \*

— Қуёш нуридан кучли  
Айтгин нима бор, Дилдор?  
— Тополган бўлсам агар,  
Онажоним меҳри бор.

\* \* \*

Севгининг атрофида  
Бардош юрар айланиб.  
Чўчимас ҳеч нарсадан  
Бир-бирига бойланиб.

\* \* \*

Кишида ҳаё бўлса,  
Нафс уни енголмас.  
Қанча кўп уринмасин,  
Йўлларига сололмас.

\* \* \*

Энг гўзал аёлларнинг  
Иффат бўлур либоси.  
Бу либосда бўлганнинг,  
Ижобатдур дуоси.

\* \* \*

Она замин қучоғига  
Жуда кўп келар баҳор.  
Юракларга соф муҳаббат  
Фақат келади бир бор.

\* \* \*

Бир имо ва ишоранг  
Етар сўзамасанг ҳам.  
Таваққал-ла от ўқни  
Урар кўзамасанг ҳам.

\* \* \*

Ишқим билан тирикман,  
Рангим ҳам бўлмас сомон.  
Ишқ бағишлаган инсон,  
Бахтимга бўлгин омон!

A decorative rectangular border with ornate floral and scrollwork designs at each corner, connected by thin lines.

*Масаллар*

## ЎЙИНГОҲДА

Ўйингоҳда тўп ўйин  
Жуда қизиқ кетарди.  
Ҳайвонларнинг бариси  
Зўр томоша кутарди.

Фил билан Зебрахоним  
Сукут сақлаб турарди.  
Судя бўлган лайлаквой  
У ён-бу ён юрарди.

Тўпни яхши тепарди,  
От ҳам, ҳаттоки қуён.  
Ростин айтсам қўрқарди  
Қарарди у ён-бу ён.

Агар тўпни тепса Шер,  
Тўсмаслик керак йўлин,  
Бирор бир ишқал қилиб  
Кўрсатиш керак ўзин.

Икки рақибнинг кўзи  
Тўпда эмас, Шердадир,  
Тўпга қарамас асло,  
Икки кўзи ердадир.

Томошабинлар бунини  
Жуда яхши биларди,  
Илон, тўтиқуш, чаён  
Яширинча куларди.

Дарвозабон Турна ҳам  
Шер тўпин қайтармади.  
Урди қанча-қанча гол  
Ҳеч ким хафа бўлмади.

Шер түпини қайтарса,  
Қаноти қайрилади.  
Эртага ишга борса,  
Мансабдан айрилади.

Рақиблар роса хурсанд,  
Шернинг урган голидан.  
Ўйингоҳда фақат Шер  
Ҳеч ким чиқмас йўлидан.

Агар қолса толиқиб,  
Сув беради елпишиб.  
Хушомад ёқар шерга,  
Кулиб қўяр керишиб.

– Номардлар! – деб қичқирди,  
Чидай олмади Хўроз.  
Қон босими бор эди,  
Қўтарилганди бир оз.

Тулкининг келди раҳми:  
– Хўрозгинам, нетдинг-а,  
Эртага тушлик пайти  
Ош тагига кетдинг-а...

Шер секин имо қилди,  
Тулки айтгандек бўлди,  
Шу кундан эътиборан  
Хўроз буткул йўқ бўлди.

## ҲАЗИЛ ГАПМАС УЙЛАНИШ

Сардор бургутнинг ўели  
Уйланмоқчи бўлибди.  
Онаси танлаб келин  
Кўп дарахтга кўнибди.  
Маслаҳатга келибди  
Унинг Майна холаси.  
Маҳаллага етаркан  
Қилса оҳ-воҳ ноласи.  
– Ўғлингизга ажойиб  
Битта қушни айтайин.  
Мусича бор беозор  
Шуни олиб берайин.  
Гап билан ҳеч иши йўқ,  
Овқат емас, қорни тўқ.  
Жуда оддий кийинар,  
Урсанг, индамай енгар.  
Сизга айтсам, опагон,  
У ён-бу ён юрмайди.  
Мусичалар билсангиз  
Ҳеч қалин сўрамайди.  
Бургутвойга ёқмабди  
Холасининг сўзлари.  
Унга маъқул бўлмабди,  
Буришибди юзлари.  
– Чумчуқбойнинг чиройли  
Битта чаққон қизи бор.  
Минг юмушни бажарар,  
Ишларни қойил қилар.  
– Сингилжоним, Майнахон,  
Чумчуқ тўғри келмайди.  
Уйдаги гапни ташиб  
Чирқиллайди, бўлмайди.  
– Сайроқи каклик қизи  
Сизга тўғри келади.  
Ажойиб овози бор,  
Дид билан кийинади.  
– Сингилжоним, Майнахон,  
У ҳам тўғри келмайди.

Гастролма-гастрол  
Қўшиқ айтиб юради,  
Ҳечам уйда турмасдан  
Ўғилгинам қийнайди.  
– Опажоним, танладинг,  
Қарғанинг қизин ол.  
Узоқ умр кўради,  
Кўп нарсани билади.  
– Сингилжоним, Майнахон,  
У ҳам менга ёқмади.  
Бургутбойнинг ўғли ҳам  
Холасига боқмади.  
– Агар билса кўп нарса,  
Гапим қолади ерда.  
Баҳслашиб у билан  
Ботиб кетаман терга.  
– Олиб берай, бўлмаса,  
Тўтиқушнинг қизини.  
Опажоним, хўп дегин,  
Суриштирай ўзини.  
– Тўтиқушни гапирма,  
Асабимга тегади.  
Битта айтган гапимни  
Минг марта қайтаради.  
– Қалдирғочнинг қизини  
Унда олиб берайин.  
Тизилиб симга турар,  
Бориб кўнглин олайин.  
– Майнахоним, сингилжон,  
У ҳам тўғри келмайди.  
Лойдан нозик ин қурар,  
Ахир, ўғлим сиғмайди.  
Опасининг гапига  
Майнанинг жаҳди чиқди.  
Самога парвоз қилиб,  
Шундай сўзларни деди:  
– Хом сут эмган бандамиз,  
Камчилик ҳаммада бор.  
Сен уларни тушунсанг,  
Ўғлинг бўлар бахтиёр.

## ГУЛЛАР МУНОЗАРАСИ

Гуллар турар гулдонда,  
Озроқ сувга бутганча.  
Гул тувакда гул турар,  
Тупроқлари қотганча.  
Гўзал, мафтункор гуллар  
Ширин ҳид таратарди.  
Хонадаги гулларни  
Ўзига қаратарди.  
Гулдондаги гулларга  
Уй гуллари гап отди:  
— Тўғри, ҳозир гўзалсиз,  
Ҳидингиз ҳам ўзгача.  
Баргларингиз қовжираб,  
Йўқ бўласиз кечгача.  
Ваҳимага тушмади  
Гулдондаги у гуллар.  
Секин-секин айтишди  
Шундай мағрур-ла сўзлар:  
— Кенг табиат қўйнида  
Очилдик қизил ва оқ.  
Атрофимизда қушлар  
Сайрашиб бўлди ҳамроҳ.  
Ажиб қўшиқлар айтди,  
Фир-фир эсан шабада.  
Энг ажойиб манзара —  
Ёмғир ёғса далада.  
Унинг томчиларини  
Тупроқ шимиб олган пайт  
Ажиб ҳид таралади  
Хуш бўлади кайфият.  
Бобо куёш тафтини  
Ҳис қилганда баргларинг.  
Ҳеч армонинг қолмайди,  
Яйраб кетади танинг.  
Ранг-баранг капалаклар  
Бизга бўлади мафтун.  
Қувлашиб бир-бирини



Кўнишади туну кун.  
Чигиртка-чумолилар  
Ёнимизда ин қурар.  
Хабарчи қалдирғоч ҳам  
Ўзин бизга дўст билар.  
Ой шуъласин сочганда  
Гул-гиёҳлар товланар.  
Муаттар бўй таратиб,  
Бир-биридан қувонар.  
Эрта билан хонқизи  
Эркалатиб уйғотар.  
Тиллақўнғиз кечқурун  
Эртак айтиб ухлатар.  
Осмоннинг ботир ўгли  
Чақиб қолганда Чақмоқ,  
Кўзларингиз қамашар,  
Ҳамма жой бўлар оппоқ.  
Бўлган воқеаларни  
Айтайин қай бирини.  
Бугун тугатолмайман,  
Сизга айтиб сирини.  
Бир неча дақиқалик  
Қолгандир менинг умрим.  
Фақатгина бир оғиз  
Бор сизга айтар сўзим,  
Бир маромда яшайсиз,  
Уйдан бошқасин билмай.  
Тўғри, узоқ яшайсиз,  
Ҳеч нарсани ҳис қилмай.

## АРЗИНИ АЙТСИН КИМГА...

Далада тўп-тўп буғдой,  
Комбайн тушган ишга.  
Йиғилиб чумолилар  
Киришибди ташишга.  
Ташиган буғдойлари  
Камайиб қолар эмиш.  
Чумоли жаҳл билан  
Бир кун кузатиб турди.  
Буғдойнинг камайишин  
Сабабин шунда билди:  
Ўпқоп-ўпқон уй-жойли  
Каламуш яшар экан.  
Қоп-қоп қилиб буғдойни  
Билдирмай ташир экан.  
— Тўхта! Номард каламуш,  
Борми ўзи инсофинг,  
Халқимнинг ризқини еб,  
Қийналмасми виждонинг!  
Каламушга ёқмабди,  
Чумолининг сўзлари.  
Ҳақоратли сўзлардан  
Қизармабди юзлари.  
— Хўш, шунга шунчаликми,  
Каламуш тушди сўзга:  
— Еб халқингнинг ғамини  
Кирасанми айт, юзга.  
Кўриқчи Чумоливой,  
Бироз ўмарсак буғдой,  
Халқингнинг ризқу рўзи  
Камаймайди ҳойнаҳой.  
Керак бўлса сен ҳам ол,  
Қиш фаслин е ғамини.  
Кўп овоза қилмасдан  
Чиқармагин дамини. —  
Арз қилиб Чумоливой  
Бўри ёнига борди.

Сирли кулар Каламуш,  
Минг бир азобга қолди.  
Котиба Тулкихон ҳам  
Кўп нарсадан умидвор,  
Каламуш ҳақида дер:  
«Бойиб кетган ҳойнаҳой».  
Бўриной оқ йўл тилаб,  
Каламушни кузатди.  
Ахир, қанча насиҳат  
Яхши гапларни айтди:  
— Буғдойни ташиб олиб,  
Қанчадан пулладинг, айт.  
Мен ҳақимдаги ўйдан,  
Ёмон фикрлардан қайт.  
Шундай пайтда ҳамма ҳам  
Келишиб кўради иш.  
Келишиб ололмаса,  
Бошга тушади ташвиш.  
Яхшиси қирқ фоизин  
Индамай ташлаб кетгин.  
Ўмариб оз-моз буғдой,  
Яшагининг ғамин егин. —  
Бу сўзларни эшитиб,  
Чумоли қалтирарди.  
Ўт чақнаган кўзлари  
Ғазабдан ялтирарди.  
Таёғига суяниб,  
Чумоли қолди ўйлаб.  
Оллоҳ инсоф бергин, — дер,  
Шўрлик бошин чангаллаб.

## ЯЛТИЛЛАБ ТУРГАН КИТОБ

Жавонда кўплаб китоб  
Турар эди тахланиб.  
Шунда деди бир китоб,  
Рости, қилди хўп хитоб.  
Олдин роса сузилиб,  
Ўзини қилди кўз-кўз:  
— Гўзал китобман, — дея  
Бошлади бемаъни сўз:  
— Мен тураман ялтиллаб,  
Сурагларим ранг-баранг.  
Ўқиган кишилар ҳам  
Тушунар баъзан аранг.  
Сенга ҳайрон қоламан,  
Ҳарфларинг билинмайди.  
Ўқувчи олса қўлга,  
Тез кўзга илинмайди.  
Номинг қанақа ўзи,  
Ўчиб кетган-ку сўзи.  
Сен ҳам китоб бўлдингми?  
Шу жавонда турдингми? —  
Бу сўзларни эшитиб,  
Қаламвой тушди сўзга.  
Камгарин у китобни  
Қалам олди ёнини:  
— Тўғри, кичик жуссаси  
Ичи бой хазинага.  
Шу «ўчган» номи билан  
Танилган у оламга.  
Чунки, бу ерда турмай,  
Қўлдан-қўлга юради.  
Жуда камдан-кам ҳолда  
Шу жавонда туради.  
Митги китоб яқиндир  
Ўқиган ҳар юракка.  
Бу китобни ўқиган,

Тўлади завққа, шавққа.  
Ташлаб юбормас асло  
Ўчса ҳам саҳифаси.  
Китобхонга маълумдир,  
Оташдир ҳар нафаси.  
Эскилигин гар билсанг,  
Ўқиб суртар кўзига.  
Ухласа ҳам баъзида  
Кўйиб ётар юзига. —  
...Ятиллаб турган китоб,  
Очилмай турган китоб,  
Қалам сўзин эшитиб,  
Кўйди оғир хўрсиниб.

## МУЎДАРИЖА

### *Шеърлар*

Она тилим .....	4
Чўлпоной онага .....	5
Ўзбек қизларига .....	6
Она дуоси .....	7
Йигитлик хислатлари .....	8
Муҳаббат қасри .....	8
Бўйсунмаган юрак .....	9
Сиз билмайсиз... ..	9
Айланаман саробга .....	10
Тилак .....	10
Сароб .....	11
«Севгисиз шунчаки юрганлар қанча...» .....	11
Шошмагин, куёш .....	12
Хаёлда .....	13
«Умр йўли деб атаймиз...» .....	13
Севги .....	14
Муҳаббат ҳақида қисса .....	15
Ҳис-туйғусиз одам .....	16
Барчасига гувоҳ ўзинг .....	17
«Ишқ қудратли денгиздир...» .....	17
Яшаб не қиласан .....	18
«Тақдир ва мен» шеърини ўқиб .....	18
Бир кам дунё .....	19
Сабабчи ўзинг .....	19
Вафо Файзуллага .....	20
«Эй ғам, босма юрагимни...» .....	20
«Оламда ягона, десам хатоми...» .....	21
«Юракдаги кўп сўзлар...» .....	21
«Керак бўлса осмондан...» .....	21
«Кўзларим бир нуқтага...» .....	22
«Юрагимнинг меҳмони...» .....	22
«Қиё боққан маҳлиё кўзинг...» .....	23
«Ўтган умримизни қилсак сарҳисоб...» .....	23
«Аёл кишининг тожи...» .....	24
«Ўнг елкада раҳмонни...» .....	24
«Атлас билан бахмалдан...» .....	24

Томчи .....	25
Туморим .....	25
Тезроқ айт .....	26
Зарпечак .....	27
Тулайинми тузоққа .....	28
Заминга жавоб .....	29
Бувимга .....	29
Бағишлов .....	30
Аммамга .....	31
Очкўзлик .....	31
Алпомиш .....	32
Синфди .....	32
Ток ва таёқ .....	33
Сопол идиш .....	33
Кўрқар эди .....	34
Антонимнинг айтанилари .....	35
«Хўроз деди қичқириб...» .....	35
Топишмоқ .....	35
Омонимлар ўйини .....	36
<b>Тўртликлар</b> .....	38
<b>Масаллар</b>	
Ўйингоҳда .....	44
Ҳазил гапмас уйланиш .....	46
Гуллар мунозараси .....	48
Арзини айтсин кимга .....	50
Ялтиллаб турган китоб .....	52

Адабий-бадиий нашр

**ШАҲНОЗА НОРҚУЛОВА**

**СУРҲОНДАН ЭСАР САБО**

*шеърлар, масаллар*

Муҳаррир **Д. МИНГБОЕВА**

Тех. муҳаррир **В. ДЕМЧЕНКО**

Мусаҳҳиҳ **М. ХУДОЁРОВА**

Компютерда саҳифаловчи **Е. НАЗАРОВА**

**Муқовада Акмал Нур асаридан фойдаланилди**

ИБ № 3957

Босишга 7.10.2004й. да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.

Босма тобоғи 1,75. Шартли босма тобоғи 2,94.

Адади 2000 нусха. Буюртма № 239.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.

700113. Тошкент. Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.